

УЗБЕК ИСТОНИ АГРАР ФАНИ

ХАБАРНОМАСИ

1 (59) 2015

МШИ)»*	
1 - • J 1 C,4	
	2 Ш

ВЕСТИНИК АГРАРНОЙ НАУКИ

УЗБЕК ИСТАНА

1 (59) 2015

BULLETIN OF THE AGRARIAN
SCIENCE OF UZBEKISTAN

МУНДАРИЖА

Мева - сабзавотчилик ва урмончилик

<i>М.З. Холмуротов.</i> Хандон пистанинг истикболли шакллари узиш ва ривожланиш хусусиятлари.....	7
<i>Б.Ж.Азимов, А.Ж. Шокиров, С.Б. Ибрагимов.</i> Азотли уigitлар меёрларининг окбош карам хрсилдорлигига таъсири.....	10

Селекция, генетика ва уругчилик

<i>С.Т. Жураев, М.Ж. Исроилов, Г. Шодмонова.</i> Янги истикболли тизмаларнинг нав тозаланини сакдаган холда уругини купайтириш.....	13
<i>Ф. Жоникулов, А. Абдуллаев, И. Каххаров.</i> Гузанинг ирсий белгиларини узгартириш усули.....	17
<i>В.А. Автономов, А.Ё. Курбонов, Ш.Б. Амантурдиев, Р.Р. Эгамбердиев.</i> Гузанинг <i>G.hirsutum</i> L турида Fi-F2 навлараро дурагайларида "бир усимликдаги хамма кусаклар" белгисининг узгарувчанлиги ва ирсийланиши.....	21

Агрохимё ва тупрокшунослик

<i>А. С. Шамсиев.</i> Гузани эгат оркали сугориш технологиясини такомиллаштириш омили.....	27
<i>Л.А. Гафурова, А. Каримов, Д.Ю. Махкамова.</i> Буз утлоки тупрокдар фермент фаоллиги ва уларга ширинмия <i>Glycyrrhiza glabra</i> L. билан биомелиорациянинг таъсири.....	31
<i>М. Шодманов, У. Чаршанбиев, С. Акбаров.</i> Тошкент вилоятининг утоки буз тупрокдари шароитида бетона утларга карши гербицидларни кетма-кет куллашнинг самарадорлиги.....	36
<i>М.Ш. Рахимов, Б.А. Муминов.</i> Олмалик саноат худуди табиий экосистема тупрок катламларида коллемболаларнинг таркалиши ва мавсумий динамикаси.....	40
<i>Г.М. Набиева.</i> Ерни масофадан зондлаш буйича яйлов шурланган тупроклар майдонини аниклаш.....	44
<i>Р.Ф. Мавлянова, Л.А. Гафурова, Х.М. Хамидова, Ш.А. Бегматов.</i> Сабзавот дуккакли экинлар етиштирилган сугориладиган шур тупрокларнинг биологик фаоллиги.....	49

Зоотехния ва ветеринария

<i>О. Ризаев, И. Максудов.</i> Голштинлаштирилган I ва II авлод крра-ола зотли сигирларнинг экстерьер хусусиятлари.....	54
<i>Б.К. Хаитов, М.М. Сафаров, Г.Б. Амантурдиев.</i> Асал олишда асаларилар оиласи йириклигининг таъсири.....	57
<i>Ф.Э. Сафарова, Э.Б. Шакарбоев, Д.А. Азимов.</i> Сирдарё дарёси урта окими сув хавзалари карпсимон (<i>surpiniformes</i>) балиқдарининг цестодалари.....	58
<i>Л.С. Кучкарова, Р.О. Атоева.</i> Катта кориндаги углеводларнинг хазм булишига икки валентли металл катионларнинг таъсири.....	62

Усимликларни химоя килиш

<i>М.М. Рашидов, Р.С. Сатбаева, Д.У. Исмайлов, Х.К. Кимсанбоев.</i> Энтоспилян препаратини гузадаги усимлик битларига самарадорлигини урганиш.....	66
<i>Ш. Эсонбаев, Х. Шужуров, А. Анорбаев, И. Саидов.</i> Узбекистан мевали богларидаги колкондорларнинг энтомофаглари.....	69
<i>А.Б.Учаров, М.Р.Мухаммадиева, Х.К. Агзамова.</i> Айрим энтомопатоген замбуругларни олма мевахури тухумига таъсири.....	71

Усимликшунослик

УСИМЛИКШУНОСЛИК

УДК: 633.88

Ж. МИРСОАТОВ, Э. БЕРДИБОЕВ, А. МАТЧАНОВ

ДОРИВОР БОЗУЛБАНГИ (*LAGOCHILUS INEBRIANS*) УСИМЛИГИНИ
ЕТИШТИРИШ АГРОТЕХНИКАСИ

Ушбу мақолада доривор Бозулбанги (*Lagochilus inebrians*) усимлигини маданий турларини яратиш, табиий ҳолда тикланишга кумақлашиш, ёввойи турларини қайта тиклаш мақсадида усимликнинг уругидан кўпайтириш ҳамда унинг агротехникаси келтирилган.

Таянч сузлар: *лагохиус, вена, маданийлаштириши, гулбарг, агротехника, гемостатик, дезаллергик, эндемис, сувли, дамлама, спиртли, эритма, аллергия, препарат, лагохилин, седатив.*

КИРИШ

Давлатимиз раҳбарияти томонидан аҳоли ва даволаш-профилактика муассасаларини дори воситаларига булган эҳтиёжини тулақонли таъминлашни амалга ошириш масаласига, хусусан усимликлардан олинadиган дори воситаларига мунтазам равишда алоҳида эътибор бериб келинмокда.

Табиий дори воситаларининг асосий ютуғи, уларни нозик ва танлаб таъсир этишидир. Бундан ташқари табиий дори воситалари инсон организмга кирганда қўшимча ноҳуш таъсирлар қўзғатилмайди.

Усимликлардан олинadиган дори воситалари тиббиётда маълум булган дори воситаларининг камида 60 % ини ташқил этади. Ўзбекистонда доривор усимликларнинг хилма-хил турлари усади. Уларнинг ичида Лагохилус туркумига қирувчи усимликлар алоҳида аҳамиятга эга. Бу туркум усимликлардан *Lagochilus inebrians* тури кенг миқёсда ишлатилади. Унинг сувли дамламаси ва спиртли эритмаси қўчли қон тўхтатиш, қон босимини туширувчи, аллергияни даволовчи ва бошқа фойдали хусусиятларга эга.

Лагохилус усимлигининг сувли ва спиртли дамламалари 1956 йилдан тиббиёт амалиётида қўлланиб келинмокда. Бу усимлик асосида 10 дан ортиқ дори воситалари яратилган. Хусусан, вена қон томири орқали юборилadиган қўчли қон тўхтатиш хусусиятига эга булган "Лагоден", "Лаговин" препаратлари, таблетка ҳолидаги

"Инебрин" ва "Глилагин" дори воситалари яратилган.

Ушбу йўналишда 1962 йилда Тошкент вилоятида Т.П.Пулатова томонидан ва 1963 йилда М.И.Икрамов томонидан ёввойи ҳолда усувчи Лагохилус усимлигини уругдан экиш йўли билан маданийлаштиришга уринишлар булган. Бунда ёввойи ҳолда усувчи Лагохилус усимлигини уругдан униб чиқиш қобилияти 22 % дан 45 % гача эканлиги аниқланган. Лагохилус усимлигини чуқур қимёвий таҳлил қилиш натижаси шуни қўсадики, у ўз таркибида қон тўхтатишга таъсир этувчи модда - лагохилин тутади ва у асосан барглари ҳамда гул баргларида учрайди. Усимликни ер устки қисмида барг, гул ва тана қисмларида лагохилин тенг миқдорда тарқалмаган. Усимликни мўтлоқ қуруқ ҳолдаги баргларида лагохилин - 1,98 % қўсил берувчи таначаларида - 0,84-1,87 % ва шохчаларида қам миқдорда - 0,15 % булиши аниқланган.

Ҳрзирги қўнда *Lagochilus inebrians* турини маданийлаштирилган ҳолда этиштирилмокда. Япроқлари ва гулбаргини қимёвий текширганда маданий ҳолда этиштирилган *Lagochilus inebrians* таркибида ёввойи ҳолда усувчи турига нисбатан 20 % қўп миқдорда лагохилин қўрлиги аниқланган. Фармакологик таъсирига қўра маданийлаштирилган Лагохилус гулбарги ва япроқларидан тайёрланган 5 % спиртли экстракта ёввойи ҳолда усадиган туридан устун эканлиги аниқланган. Шуни таъқидлаш лозимки, намгарчиликнинг этишмаслиги, қўрва моллари томонидан пайқон

килиниши ва куп йил мобайнида катта микдорларда йигиб олинishi унинг сони ва ареалига катта зарар етказган. Лагохилус усимлигини усиш хуудтари Республикамизда кундан-кунга кискдрий бормокда ва йуколий кетиш арафасида турибди.

ТАДКИКОТ ОБЪЕКТИ ВА УСЛУБИЯТИ

Тадкикотни бажариш объекти ТошДАУ "Дехкончилик ва мелиорация асослари" кафедраси ва Узбекистан Фанлар академиясининг Биоорганик кимё илмий тадкикот институти хамда "Лочин" фермер хужалигида олиб борилган. Лагохилус

усимлигидан олинган уругларни хона ва дала шароитида етиштириш хамда купайтириш.

ТАДКИКОТ НАТИЖАЛАРИ

Маълумки, Лагохилус препаратларига булган талаб йилдан йилга ортиши билан бирга, ёввойи холда усувчи Лагохилус усимлиги табиий захираси тубдан камайиб борган ва хозирги кунда у Кизил китобга киритилган. Шунинг учун ушбу ажойиб усимликни териш хам чекланган.

Шуларни хисобга олган холда, Тошкент вилояти шароитида ушбу усимликни уругдан купайтиришни хамда унинг агротехникасини урганишни максад килиб куйдик.

1 -жадвал

Бозулбанги усимлигини тувакчаларда уругдан купайтириш

Таркиб	Нис- бати (%)	Уругларнинг униб чикиш вакти (кун)	10 кунлик усимликнинг узунлиги (см)	Экилган уруглар сони	Униб чиккан усимликлар сони	Уругларнинг унувчанлик даражаси (%)
Назорат		14-17	3.8	10	3-4	30-40
Тупрок, гунг, кум	1:1:1	16	3.4	10	3	30
Тупрок, гунг, кум	2:1:1	12	5.2	10	5	50
Тупрок, гунг, кум	1:2:1	13	4.5	10	4	40
Тупрок, гунг, кум	1:1:2	14	4.3	10	3	30

Лагохилус усимлигини тувакчаларда уругдан купайтириш шунинг курсатадики, тувакчалардаги тупрок таркиби 2:1:1 нисбатда булганда уруг униб

чикиш кобилияти юкори булиб, уругларни униб чикиш кобилияти 30-50% гача эканлиги аникланди.



Тувакчалардаги униб чикан кучатларни парваришлаб 40 кунлик булганида ерга утказиб,

кучатларни яхши парваришлаш натижасида ушбу расмдаги куринишга олиб келдик.

ХУЛОСА

Доривор Лагохилус (Лагочилус инебрианс) турининг сувли ва спиртли кайнатмалари

физиологик фаол хусусиятларга эга эканлиги аниқланган.

ТошДАУ,
Биоорганик кимё институти

А д а б и ё т л а р

1. *Икрамов М.И.* Фотохимическое исследование видов рода *Lagochilus* Bunge. — В кн.: Использование растительных ресурсов и повышение производительности культурных растений. Вып. 2. Самарканд, Изд. Самаркандск. ун-та, 1970.
2. *Пулатова Т.П.*, Фармакогностической изучение представителей семейства яснотковых с целью получения лекарственных препатаов. Автореф. Дисс. д-ра фарм. наук. - Москва. 1991. - 42 с.
3. *Зайнуджов У.Н., Исламов А.Х., Далимов Д.Н., Матчанов А.Д.* Сравнительное изучение дикорастущей и культурной форм *Lagochilus inebrians*. Химия растительного сырья. 2011. №2. - с. 189-190.
4. Инструкция по сбору и сушке зайцегуба опьяняющего. — В сб.: Инструкции, аннотации и

Юкоридаги маълумотларга асосланиб Лагохилус усимлигини маданий турларини яратиш ва узлаштириш, табиий холда тикланишга

эндемис доривор усимликларни, аинан лагохилус усимлигини купайтириш ва куриклаш учун бир катор муаммоларни хал этиш талаб этилади.

К,абул килинган вақти
7 феврал 2015 йил

другие материалы по применению медицинских средств. Вып. 6. М., Изд. Всес. конъюнктурно-информ. бюро Минздрава СССР, 1974.

5. *Чиков П.С.* Атлас ареалов и ресурсов лекарственных растений СССР. - М., Картография, 1983.-340 с.

6. *Абрамов М. М.* К вопросу химии лагохилина. // Докл. Ан УзССР. 1958. №3. - с. 41-44.

7. *Сукерваник Т.И.* Система рода Лагочилус (*Lamiaceae*). Ботанический журнал. 1985, Т., - с. 1183-1190.

8. *Акопов Н.Э.* Лагохилус опьяняющий и другие кровоостанавливающие средства (В помощь лектору-врачу). Краснодар, Краев, орг. об-ва Знание, 1972.

9. *Зайсегуб опьяняющий*: информация на сайте ГРИН (англ.) Проверено 14 февраля 2009 год.

Ж. МИРСОАТОВ, Э. БЕРДИБОЕВ, А. МАТЧАНОВ
Агротехника возделывания лекарственной Бозулбанги
(*Lagochilus inebrians*)

В данной статье полностью освещены и приведены проблемы семенного размножения лагочилуса опьяняющего и его агротехника. В целях восстановления в природных условиях его диких сортов, а так же создание и выращивание культурных сортов и пути приспособления их в природных условиях.

J. MIRSOATOV, E. BERDIBOEV, A. MATCHANOV

The growing agrotechnics of the medicative plant *Lagochilus inebrians*

In the given article is presented the growing agrotechnics and seed multiplying of the medicative plant intoxicant *lagochilus*, the problems of creation new cultural types, helping for natural rehabilitation and to rehabilitate the wild types again.